

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

МАДАМИНОВ БАХРОМ МИРОДИЛОВИЧ

**АГРЕССИВ МУҲИТДА ИШЛАЙДИГАН УСКУНАЛАРНИНГ ИШЧИ
ЮЗАСИНИ ҚОПЛАШ УЧУН АНТИКОРРОЗИОН КОМПОЗИЦИОН
СИЛИКАТ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07-Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва
технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мадаминов Бахром Миродилович

Агрессив мухитда ишлайдиган ускуналарнинг ишчи юзасини қоплаш учун антикоррозион композицион силикат материалларининг таркибини ишлаб чиқиш..... 3

Мадаминов Бахром Миродилович

Разработка составов антикоррозионных композиционных силикатных материалов для защитных покрытий рабочей поверхности оборудования, работающих в агрессивной среде.....21

Madaminov Bahrom Mirodilovich

Development of compositions of anticorrosive composite silicate materials and obtaining coatings from them for the protection of chemical industry equipment.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ»**
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ»**
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

МАДАМИНОВ БАХРОМ МИРОДИЛОВИЧ

**АГРЕССИВ МУҲИТДА ИШЛАЙДИГАН УСКУНАЛАРНИНГ
ИШЧИ ЮЗАСИНИ ҚОПЛАШ УЧУН АНТИКОРРОЗИОН
КОМПОЗИЦИОН СИЛИКАТ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ
ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07-Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва
технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Т2442 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.gupft.uz va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юлчиева Сураё Бахрамовна техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Эминов Ашрап Мамурович техника фанлари доктори, профессор Бабаханова Мухида Гулямовна кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида онлайн тарзида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2022 йил «31» январ куни тарқатилди.
(2021 йил «25» ноябр № 31-2021 рақамли реестр баённомаси).




С.С. Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги


М.Э. Икратова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.


А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ускуналар, бинолар ва иншоотларни агрессив кимёвий муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш муаммоси замонавий кимё, металлургия, нефть кимёси, электрокимё соҳалари учун энг асосий муаммолардан биридир. Шу сабабли, металл ускуналари ва механизмларнинг коррозияга учраш сабабларини аниқлаш, ишлаб чиқариш техноген чиқиндилари асосида белгиланган хусусиятларга эга бўлган янги композицион материалларни олиш усуллари ишлаб чиқиш ва улар асосида қопламаларни яратиш ҳамда олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида антикоррозион композицион материаллар ва улар асосида турли минерал ва органик материаллардан фойдаланиб қопламалар олиш, кимё саноати ускуналари ва қурилмаларининг коррозияга учрашига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, адгезион-мустваҳкамлик хусусиятлари яхши бўлган антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларни яратишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, агрессив муҳитда ишлайдиган ускуналарнинг ишчи юзасини қоплаш учун антикоррозион композицион силикат материалларининг таркибини яратиш, антикоррозион композицион материаллар асосидаги қопламалар ёрдамида коррозия жараёнини секинлаштириш усуллари ишлаб чиқиш, яратилаётган антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг адгезион мустваҳкамлигини ошириш, металлларни ҳимоялаш даражасини, физик-механик ва эксплуатацион хусусиятлари яхшилаш усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда агрессив муҳитлар таъсирида фаолият кўрсатаётган кимё саноатининг ривожланиши учун ишлатиладиган антикоррозион қопламалар таркибига қўшилаётган маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида олинган органик ва минерал ингредиентларни танлаш, уларни олиш усуллари ва ишлаб чиқиш технологиясини яратиш бўйича бир қанча чора тадбирлар олиб борилмоқда ва маълум бир натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурининг тўртинчи йўналишида «... мутлақо янги турдаги маҳсулот ва технологиялар билан таъминлаш, шу асосда ташқи ва ички бозорда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кимё саноатида қўллаш учун қимматбаҳо импорт қопламаларнинг ўрнига юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган арзон антикоррозион композицион материаллар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

улар асосида қопламалар олиш учун самарали таркиблар ва олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги №ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»даги, 2019 йил 24 августдаги №ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида» ги, 2020-йил 15-мартдаги №ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антикоррозион композицион материаллар ишлаб чиқариш бўйича куйидаги олимлар ўзларининг маълум бир ҳиссаларини қўшганлар: Maruyasi Nakakori, Sakamoto Vosihumi, Israel D., Teoreanu Y., Puri Annemarie, A. Содахина, Р.Мураяма М.И.Субботкин, М.А.Матвеев, В.И.Корнеев, В.Т.Батраков, С.В.Рагозина, В.И.Бабушкин, И.В.Белицкий, Н.С.Домбровская, Ю.С.Курицина, В.М.Москвин, И.А.Писаренко, Р.К.Кордонская, Ю.И.Нянушкин, С.С.Негматов, А.Т.Джалилов, М.Ж.Жуманиёзов, К.С.Негматова, Ф.Х.Таджиев, Т.А.Атакузиев, З.А.Мухамедбаева, Д.К.Адилов, М.Г.Бабаханова ва бошқалар.

Мавжуд ишлар таҳлили асосида шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг ишчи органларида юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган антикоррозион композицион полимер материаллар ва қопламаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали кимё саноати жиҳозларининг самарадорлиги ва ишлаш муддатини ошириш масалалари етарли даражада ҳал этилмаган. Бу кимё саноати ишлаб чиқариш ускуналарининг агрессив муҳитларида ишлайдиган композицион материаллар ва улардан тайёрланган қопламаларнинг физик-механик ва антикоррозион хусусиятларини батафсил ёритилмаган. Мазкур диссертация иши ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И.Каримов номидаги ТошДТУ «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасининг фундаментал, амалий ва инновацион ишланмаларнинг давлат тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-20170929228 «Машинасозлик ва бошқа соҳаларда фойдаланиш учун коррозияга

чидамли композицион металл муҳандислик материалларини олиш учун ресурсларни тежайдиган нитрооксидлаш технологияларини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади агрессив муҳитда ишлайдиган ускуналарнинг ишчи юзасини қоплаш учун антикоррозион композицион силикат материалларининг таркибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полимер боғловчилар ва саноат чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда коррозияга қарши композицион материаллар ва улардан тайёрланган маҳсулотларни замонавий ҳолати, баҳолаш усуллари, ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

юқори мустаҳкамлик, кимёвий барқарорлик, агрессив муҳитларга чидамлилиқ хоссаларига эга бўлган самарали композицион силикат материалларини яратиш бўйича илмий асосланган ёндашувни ишлаб чиқиш;

суяқ шиша асосидаги порфирит ва порфирит-волластонитли композицияларни синтез қилиш жараёнида ишқорлаш жараёнларини, минералларнинг ҳосил бўлишини, фазавий таркибини, уларни қотиш жараёнида кимёвий барқарорлигини ўрганиш;

қотиб қолган суяқ шиша асосидаги композициясининг гидратланиш ва қотиш жараёнларининг кинетикасини, микротузилиши ва фазалари шаклланишини ўрганиш;

кимё саноати ускуналарининг ишчи юзасини қоплаш учун қатор юқори самарали коррозияга қарши композитцион силикат материалларини ишлаб чиқиш;

коррозияга қарши композицион силикат материаллари ва улар асосидаги қопламалар учун тегишли меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бекобод конининг порфиритлари, натрий кремнийфториди, натрийли суяқ шиша, Койташ кони волластонити олинган.

Тадқиқотнинг предмети агрессив муҳитда суяқ шиша асосидаги композицияларнинг гидротацияси ва структура ҳосил бўлиш жараёнини, ингредиентларнинг фаза таркибини коррозияга қарши композицион материалларнинг ҳимояловчи ва мустаҳкамлик хусусиятларига таъсирини ўрганиш, улар асосида кимё саноати ускуналари учун коррозияга қарши қопламалар олиш, шунингдек уларнинг мустаҳкамлиги, ишлаш муддати ва самарадорлигини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишларини бажаришда ИҚ-спектроскопия, рентген структуравий анализ, термографик ва петрографик усулларидан ҳамда МДХ мамлакатларида рухсат берилган стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гидролиз спиртини ишлаб чиқаришнинг агрессив муҳитида суяқ шишали композицияларнинг гидратланиш ва структура шаклланиш жараёнининг қонуниятлари ишлаб чиқилган;

суёқ шишанинг гидролизиди натрий кремнийфторид билан реакцияга киришмаган ишқор, тўлдирувчи доналарини емирилиши, натижада тўлдирувчининг кремний кислотаси гели билан мустахкам боғланиши намунада гелга ўхшаш ҳолатга ўтувчи гидроциликат ишқорларининг ҳосил бўлиши ҳисобига таъминланганлиги аниқланган;

композиция структурасининг зичлашиши кремнезем модулининг ортиши ҳисобига амалга ошириши натижасида полимерланган ва ўзининг кремний-кислородли каркасида зич структурага эга бўлиб, композициянинг монолит, юқори мустахкам, сув ва кислотага чидамли структурасининг шаклланиши ҳисобига порфирит ва волластонит заррачаларининг юқори даражада цементланиши учун шароит яратилганлиги аниқланган;

физик-кимёвий тадқиқотлар натижасида суёқ шиша композициялар юзасида эрмайдиган бирикмалар пайдо бўлиши натижада улар гел маҳсулотлари билан бирга турли фаол коррозияли муҳитда кимёвий қаршилигини ошириб берувчи майда кристалли, бир хил тузилишга эга структура ҳосил қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суёқ шиша боғловчилар ва минерал тўлдирувчиларнинг тури ва таркибига қараб антикоррозион силикат материалларнинг самарали таркиби ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган антикоррозион композицион материалларнинг суёқ шиша боғловчилар ва минерал тўлдирувчилар тури ва таркибига антикоррозион ва физик-механик хоссаларининг ўзгаришига ноорганик тўлдирувчилар таъсирининг асосий қонуниятлари аниқланган;

сульфит целлюлоза, сульфит ликёрлари ва гидролиз спирти эритмаларида табиий минерал моддалар билан тўлдирилган модификацияланган композицион материалларнинг юқори қаршилиги, уларни кислотали муҳитларга доимий ёки вақти-вақти билан таъсир этиб турадиган асбоб-ускуналар ва иншоотларни химоя қилиши аниқланган;

сульфитли целлюлозанинг спирт-ачитқи, гидролиз ва озук тузларининг агрессив муҳитларида ишловчи кимёвий ускуналарни футировкаси учун силикатли композицияни ишлатиш, ушбу ускуналарнинг коррозиябардошлигини ва умрбоқийлигини ошириши аниқланган;

«Наманганвино» МЧЖда ускуналарни қоплашда табиий волластонит билан модификацияланган порфирит асосидаги суёқ шишали композициядан фойдаланиш, ускуна ва қурилмаларнинг ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган физик-кимёвий ва физик-механик тадқиқот усуллари тўплами билан изоҳланади. Композицион полимер материалларнинг антикоррозион ва физик-механик хоссаларини ўрганишдан олинган натижалари математик ва статистик усули билан қайта ишланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилаётган композицион силикат материалларнинг химоя ва физик-механик хусусиятларига маҳаллий хом

ашёлардан суюқ шиша боғловчилар ва минерал тўлдирувчиларнинг тури ва миқдори таъсирининг мунтазамлиги орқали кимёвий саноат ускуналарининг ишчи юзаси учун антикоррозион қопламалар олиш тамойилларини назарий жиҳатдан асослаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса яратилган антикоррозион композицион силикат қопламаларидан фойдаланган ҳолда ускуна ва қурилмаларнинг самарадорлигини ва умрбоқийлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Агрессив муҳитда ишлайдиган ускуналарнинг ишчи юзасини қоплаш учун антикоррозион композицион силикат материалларининг таркибини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган коррозиябардош силикат композициялар ва улар асосидаги қопламалар «Наманганвино» МЧЖда ускуна ва қурилмаларнинг ишчи юзасига қўллашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 15 июлдаги 02-19/2460-сон маълумотномаси). Натижада, ускуналарининг умрбоқийлигини 2,5 марта ошириш имконини берган;

композицион силикат материаллар «Наманганвино» МЧЖда ускуналарни қоплашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 15 июлдаги 02-19/2460-сон маълумотномаси). Натижада, «Наманганвино» МЧЖ нинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 6 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 6 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Ноорганик композицион материаллар билан машина ва ускуналарни кимёвий химоя қилиш муаммосининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида кимёвий ускуналарнинг ишчи органларининг металл қисмларини агрессив муҳитдан химоя қилиш муаммосига бағишланган диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар таҳлили, силикат композицион материалларнинг физик-механик хусусиятларини шакллантириш пайтида юзага келадиган физик-кимёвий жараёнлар, ноорганик композицион материалларнинг кимёвий қаршилиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Илгари ўтказилган тадқиқотларнинг танқидий таҳлилидан шундай хулосага келиндикки, ачитқи ва гидролиз саноати озуқа тузларининг агрессив муҳитлари учун қўшимчалар билан модификацияланган порфирит асосидаги композицияни ишлаб чиқиш ва қўллаш истиқболли ҳисобланади. Қўшимчаларни киритиш билан композицияларда структура шаклланиши ҳақидаги замонавий ғоялар ўрганилган.

Қаттиқлашишда реакция маҳсулотларининг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда силикат композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг кимёвий мустаҳкамлигини баҳолашнинг ҳамда реакцияга киришмаган ишқорий силикатнинг хоссалари, қотишдаги инициаторнинг миқдори, тўлдирувчиларнинг табиати ва миқдори, шунингдек минерал ингредиентларни қўллаб самарали антикоррозион силикат композицион материаллар ва улар асосида қопламалар олишнинг назарий усуллар келтирилган.

Диссертациянинг **«Объект ва тадқиқот усуллари танлаш ва асослаш»** деб номланган иккинчи бобида агрессив муҳит таъсирида ишлайдиган антикоррозион композицион материалларни ишлаб чиқиш учун суюқ шиша ва минерал тўлдиргичларнинг хусусиятлари берилган. Композицион силикат материаллари ва қопламалари олиш, физик-кимёвий ва механик, антикоррозион, адгезион хоссаларини аниқлаш усуллари ҳамда олинган натижаларни математик ва статик қайта ишлаш усули берилган.

Диссертациянинг **«Турли агрессив муҳитда ишловчи антикоррозион композицион материалларни тадқиқ этиш»** деб номланган учинчи бобида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган мураккаб мустақил тадқиқот усуллари ёрдамида агрессив муҳитда эрувчан шишага асосланган силикат таркибининг қаттиқлашишида физик-кимёвий ва технологик жараёнлар тадқиқот натижалари келтирилган. Бунинг учун агрессив муҳитга бардошли суюқ шиша композицияларини ишлаб чиқишда натрий кремнийфториднинг миқдори унинг суюқ шишага стехиометрик нисбати билан аниқланди. Суюқ шишанинг силикат модулининг катталиги ва концентрациясига қараб силикат таркибларининг қотиш реакцияси тенграмаси билан ҳисобланган суюқ шишага стехиометрик нисбатдаги натрий кремнийфториднинг миқдори 18% ни ташкил этади, бу эса тажрибалар асосида тасдиқланган.

Синов натижалари ачитқи ва гидролиз ишлаб чиқаришдаги тўйинтирувчи тузлар, сульфитцеллюлоза ишлаб чиқаришнинг агрессив муҳитларига чидамли суюқ-шиша боғловчисини порфирит асосида олиш имконини беришини кўрсатди.

Натрий кремнийфториднинг стехиометрик таркиби, айниқса кейинги қотиш даврларида порфирит таркибининг кимёвий турғунлигини чиндан ҳам оширади. Эрувчан шиша Na_2SiF_6 билан реакцияга киришганда кремний кислотанинг гели ажралиб чиқади, бу эса зич ва мустаҳкам силикат материаллар ишлаб чиқаришни таъминловчи яхши цементловчи модда ҳисобланади.

Сувга чидамлилик суюқ шишанинг гидролитик парчаланиши натижасида ишқорий боғланиш даражаси билан аниқланади, унинг миқдори киритилган Na_2SiF_6 миқдорига боғлиқ. Унинг миқдори етарли бўлмаса сувга чидамлилик камаяди, чунки бу ҳолда суюқ шишанинг кўпроқ миқдордаги ишқори бирикмай қолади. Кислотага чидамли материалларнинг зичлиги ва мустаҳкамлигини ўта майдаланган кремнеземли кўшимчалар ажралиб чиқаётган ишқорни боғлаб туриши билан оширади.

Шу муносабат билан, порфиритли коомпозициянинг сувга чидамлигини ошириш ва ишқорий силикатларни ювиб кетилишини камайтириш мақсадида унинг таркибига кислотага чидамли материаллар учун ноанъанавий бўлган материалнинг ғовакларига кириб, уларни беркитадиган ва агрессив муҳитда материалнинг юза қатламида осон эрийдиган кўшимча кремний кислотаси гелини ҳосил қиладиган табиий волластонит кўшдик, бу эса суюқ шишанинг модулини оширади ва қотган суюқ шиша композициясининг техник кўрсаткичлари ва боғловчилик хусусиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Порфирит ва волластонит ўртасидаги мақбул таркибни аралашмага 25, 15, 12,5 и 10% миқдорда волластонит киритиб аниқладик (1-жадвал). Механик мустаҳкамлик ва кимёвий барқарорликнинг кўрсаткичлари орқали волластонитнинг мақбул миқдори 12,5% эканлиги аниқланди.

Волластонитни киритиш билан суртманинг (замазка) сувга чидамлилиги ортиб бориши, иккиламчи реакция маҳсулотлари билан биргаликда металлларнинг коррозияга қарши чидамлилигини оширадиган кремний кислотасининг гели шаклланиши билан материалнинг сирт қатламида муҳитнинг таъсири остида волластонитнинг ингибирловчи хусусияти туфайли ишқорий силикатларнинг оқшининг камайиши билан тушунтирилади. Волластонит кўшилиши билан юзада пленка ҳосил бўлади ва агрессив муҳитнинг материалнинг ичига кириб бориш тезлигини камайтиради.

Волластонит-порфирит ва натрийли суюқ шиша системасидаги ўзаро таъсирларни ўрганиш суюқ фазани кимёвий таҳлил қилиш ва қаттиқ фазани петрографик таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Кўриб чиқиладиган муҳитда волластонитнинг гидратланиш даражаси аҳамиятсиз, лекин кальций гидросиликатлари ҳосил бўлиши учун етарли эканлиги аниқланди. Тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, дастлабки ўзаро таъсир даврида силикат ионлари волластонит сиртидаги натрийли суюқ шиша эритмасидан чўктирилади. Шу билан бирга, ишқор таъсирида волластонит емирилади ва

адсорбцион қатлам вақт ўтиши билан кальций билан тобора бойиб боради. Кальций ионлари янги ҳосил бўлган полисиликатлар билан ўзаро боғланиб кам эрийдиган гидросиликатлар ҳосил қилади. Янги қийин эрийдиганлар силикат композициянинг сувга чидамлилигини оширади, волластонитнинг кам миқдордаги гидратланиш даражаси эса силикат композицияда талаб қилинган зичлик ва мустаҳкамликни таъминлайди.

1-жадвал

Порфирит суртмасининг (замазкасининг) кимёвий мустаҳкамлигининг волластонит миқдorigа боғлиқлиги

Синов вақти, соат	Сикилишдаги мустаҳкамлик чегараси (МПа) ва КС (мустаҳкамлик коэффициенти)										
	ҳавода	сувда		Ачитки ишлаб чиқаришнинг тўйинтирувчи тузларида		Сульфит целлюлоза ишлаб чиқаришнинг агрессив муҳитидаги асосли тузларда				Гидролиз ишлаб чиқариш эритмаларида	
						Аммонийли		Натрийли			
	R _{сж}	R _{сж}	КС	R _{сж}	КС	R _{сж}	КС	R _{сж}	КС	R _{сж}	КС
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1:3 (25%)											
240	29,1	14,6	0,5	10,5	0,72	10,8	0,74	10,5	0,72	11,0	0,75
480	33,8	23,7	0,7	17,8	0,75	18,0	0,76	17,3	0,73	17,3	0,73
720	38,3	23,0	0,6	19,8	0,86	18,4	0,80	11,5	0,5	17,0	0,74
1:5 (15,44%)											
240	27,3	19,1	0,7	17,4	0,91	14,9	0,78	13,6	0,75	14,9	0,78
480	32,5	19,5	0,6	17,6	0,89	15,6	0,80	15,2	0,78	15,6	0,80
720	36,2	18,1	0,5	18,1	1,0	14,7	0,81	14,3	0,79	14,8	0,82
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1:7 (12,5%)											
240	26,7	23,2	0,83	26,9	1,16	18,8	0,81	19,0	0,82	20,2	0,87
480	30,2	24,9	0,82	35,8	1,44	20,7	0,83	19,9	0,8	22,4	0,9
720	33,2	27,6	0,81	43,5	1,58	24,8	0,9	23,5	0,85	27,6	1,0
1:9 (10%)											
240	22,1	17,7	0,8	13,8	0,78	12,7	0,72	12,2	0,69	13,5	0,76
480	24,3	12,2	0,5	13,4	1,1	9,6	0,79	8,8	0,72	9,8	0,8
720	30,6	16,5	0,54	14,4	0,87	12,6	0,73	11,6	0,7	12,8	0,78

Хом ашё компонентларининг ўта майдалигини юқоридаги кўрсатилган агрессив муҳитдаги мақбул таркибли суюқ-шишанинг кимёвий мустаҳкамлигига таъсирини аниқлаш мақсадида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, хом ашё компонентларининг ўта майдалиги композициянинг механик мустаҳкамлиги ва сувга чидамлигига салбий таъсир кўрсатар экан. Майдалашнинг минимал даражасида компонентларнинг активлиги ошади, бунда композициянинг юқори кимёвий барқарорлигига эришилади, майдалаш даражасининг ортиши ишқорий силикатнинг кремнийфторид билан реакцияга киришишидан ҳосил бўладиган Si(OH)₄ нинг тўлдирувчи доналарининг бирикиши учун етарли бўлмайди ва коррозияга чидамлик пасаяди.

Ўта майдаланган порфирит маълум даражада кимёвий фаолдир. Эрувчан шиша гидролиз шароитида NaOH ажралиб чиқади, у майда қилиб янчилган

порфирит тўлдирувчиси заррачалари юзасини коррозиялайди ва ғоваклар ҳосил қилади.

Бунда порфирит юзасининг бир қисми аморфланади ва ишқорий силикат билан реакцияга киришиб гелсимон SiO₂ ҳосил бўлади. Шу билан бирга, тўлдирувчи зарраларини монолит, юқори қувватли, сувга чидамли тузилишга эга юқори даражада цементлаш учун энг яхши шароит яратади.


Порфирит ва порфирит-волластонит таркибларининг технологик хоссаларини ўрганиш шуни кўрсатдики (2-жадвал), волластонитни киритиш намуналарни қотишининг барча шароитларида сув ютлишини камайтиради ва (%да): ҳавода – 8,2; ҳаво – нам – 5,8; сув – 4,5. Керосиннинг сўрилиши мос равишда: 12; 8,0; 8,3 га тенг. Ҳаводаги чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси 2,54 МПа; агрессив муҳитда 2,7 МПа. Керамикага ёпишиш 2,1 МПа; металл билан 2,4 МПа.

2-жадвал

Порфиритли ва порфирит-волластонитли композициянинг технологик хусусиятлари

Қотиш мухити	Порфиритли таркиб			порфирит-волластонитли таркиб		
	Ғовакли-лик, %	Сувни ютиши, %	Керосинни ютиши, %	Ғовакли-лик, %	Сувни ютиши, %	Керосинни ютиши, %
Ҳавода	24	10,6	18,6	22	8,2	12
Нам ҳавода	8,6	8,7	4,3	5,7	5,8	8,0
Сувда	14,5	6,5	8,3	11,3	4,5	8,3

Волластонит 50-55% волластонит ва 23-25% кальцит (CaCO₃) дан иборат бўлганлиги учун кальций гидроксидларнинг ҳосил бўлиш реакцияси албатта кальций карбонатнинг гидролизини ўз ичига олади, натижада Ca(OH)₂ пайдо бўлиб, гел билан кремний кислотаси ва гидросиликатлар ҳосил қилади:



Маълумки, суюқ шишанинг ишқорийер металл гидроксидлари орасидаги реакция катта ҳажмда коллоид чўкмасини чўкиши билан тез боради:



Ca(OH)₂ нинг суюқ шиша билан реакциясининг кечиши унинг концентрацияси ва модулига боғлиқ эмас.

Ёруғлик синдириш кўрсаткичининг ўзгаришига қараганда, кальций гидроксид суюқ шиша билан ўзаро таъсирлашганда бир неча соатдан кейин кенглиги 10 мкм гача бўлган ингичка, оқиш, ҳира зона ҳосил бўлади ва у 1,410-1,430 оралиғида N_{ср} билан кремний кислотадан иборат. У суюқ шиша ва кальций гидроксид эритмаларини ажратади.

Шундай қилиб, суяқ шишанинг сувсизланиши билан бир вақтда ишқор иштирокида $\text{Ca}(\text{OH})_2$ гидролизи тезлашиб, натижада гелнинг чўкмага тушиши кузатилади. Шу билан бирга, суяқ шиша дастлаб $\text{Ca}(\text{OH})_2$ дончаларига ёпишади. Шихтани аралаштиришда суяқ шиша билан $\text{Ca}(\text{OH})_2$ заррачаларининг контакт юзаси ортиши ва шу сабабли суяқ шишанинг сувсизланиши тезлашиши туфайли SiO_2 - гелининг тез ҳосил бўлиши рўй беради.

Диссертациянинг «**Ачитқи ва гидролиз-спирт ишлаб чиқариш тузлари билан ўзаро таъсирдаги порфирит асосидаги суяқ-шиша композицияларни физик-кимёвий ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобда ачитқи ишлаб чиқаришнинг озуқа тузлари воситасида порфирит суяқ-шиша композицияларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ачитқи ишлаб чиқаришнинг озуқавий тузлари воситасида порфирит ва порфирит-волластонит таркибларининг механик мустаҳкамлиги ва кимёвий барқарорлиги ҳақидаги маълумотлар комплекс физик-кимёвий таҳлил усулларидадан фойдаланган ҳолда текширилган композицияларнинг фазавий таркиби ва микроструктурасини ўрганиш натижаларига мос келади. Ҳавода қотадиган порфиритли кислотабардош замазканинг рентгенограммасида кварц чизиклари ($d = 0,413; 0,332; 0,194$ нм); альбитда ($d = 0,379; 0,322; 0,255$ нм); биотит ($d = 0,265; 0,229$ нм), кальцит ($d = 0,21; 0,30$ нм) чиқилари кўринади. Улар билан бирга, кристаллар учун Na_2CO_3 ($d = 0,253$ нм) ва Na_2SiF_6 ($d_{\text{№}34/21, 19.08.2021 \text{ й.}} = 0,334; 0,177$ нм) чизиклараро масофалар мавжуд. Гидратланиш вақти ортиши билан порфирит таркибига кирувчи бу бирикмаларнинг интенсивлиги бирмунча камаяди. Na_2CO_3 га хос бўлган пайдо бўлган чизиклар Na_2SiF_6 билан реакцияга киришмаган натрий силикат ишқорининг ҳаво CO_2 билан реакция бўйича ўзаро таъсирини кўрсатади:



Материал устида замазканинг атмосферага бўлган мустаҳкамлигини оширувчи зич пленка ҳосил бўлиши CO_2 нинг материал ичига диффузияланишини камайтиради, натижада бу реакция секин боради.

Шу билан бирга, Na_2SiF_6 га тегишли чизиклар мавжуд, NaF га хос бўлган чизиклар эса йўқолган, бу эса Na_2SiF_6 билан суяқ шиша орасида реакциянинг тўлиқ бормаслигидан далолат беради.

Тўйинтирилган тузлар муҳитида қотган порфиритли композициянинг дифрактограммаси шуни кўрсатдики, альбитит ва биотитга тегишли бўлган юзалараро масофаларнинг интенсивлиги деярли паст, ёйилган. 720 соат таъсир қилиш орқали ёйилиши кучли намоён бўлади. Дифрактограммаларда велломитга NaF ($d = 0,232; 0,166$ нм) тегишли чизикларини кўриш мумкин, унинг интенсивлиги гидратланиш давомийлиги билан камаяди, бу натрий кремнийфторид ва суяқ шиша орасида NaF ва силикат кислота гели ҳосил бўлиши билан тўлиқ реакцияни кўрсатади. Озиқа муҳитидаги намуналарни гидратлаш давомийлиги билан рентгенограммаларда флюорит CaF_2 ($d = 0,193; 0,165$ нм) кристаллари аниқ кўринади. Кремний кислотаси гели ва

фторитнинг кристалл фазалари ҳосил бўлиши туфайли порфирит замазқасининг кимёвий барқарорлиги ортади ва бу механик маълумотлар билан тасдиқланади.

Ҳавода қотган модификацияланган порфирит композициясининг дифрактограммаси шуни кўрсатдики, тошнинг асосий массаси 720 соатда гидратланади. Сўнгра жараён кескин пасаяди, бу эса натрий ионларининг кальций ионлари билан изоморф алмашиши туфайли ҳосил бўлган CaF_2 ($d = 0,193$ нм) ва оз миқдордаги CaSiF_6 ($d = 0,175$ нм) гидратация маҳсулотлари чизиқларининг интенсивлигидан далолат беради. Волластонит чизиқлари ($d = 0,340$ нм) оз миқдорда кўринади. Тўйинган тузли муҳитида волластонит билан модификацияланган порфиритли замазка юзалароаро масофанинг мавжудлиги флюорит CaF_2 ($d = 0,193; 0,314$ нм) ва CaSiF_6 ($d = 0,175$ нм) кристалларига тегишли эканлигини кўрсатди. Кальций силикатининг интенсивлиги жиҳатидан паст бўлган сақланиб қолган чизиқлар билан бир қаторда, кальций таркибли бирикмаларнинг энг кучли чизиқларига тегишли заиф чизиқлар ҳам мавжудлиги аниқланган. Бу маълумотлар кальций силикатларининг гидролиз жараёни кечишини ва нафақат гидросиликатлар, балки паст асосли сувсиз силикатлари ҳосил бўлишини кўрсатади.

Кислотага чидамли порфирит композициясини модификациялаш кремний кислотаси гелининг кўшимча миқдорининг ортиши ҳисобига унинг мустаҳкамлиги ва кимёвий барқарорлигини ҳамда структурага тартиблик, бир текислик, майдадисперс ҳолатини берадиган фторкальцийли бирикмани ҳосил бўлишини таъминлайди.

Порфирит композициясида пайдо бўлган янги бирикмалар юқори дисперс ҳолатида бўлади.

Порфирит таркибида пайдо бўлган янги ҳосилалар юқори дисперс ҳолатда бўлади. Натрий силикат ва натрий кремнийфториди ўртасидаги ўзаро реакция натижасида NaF ва кремний кислотаси гелининг ҳосил бўлиши қуйидаги реакция асосида кечади:



Шундай қилиб, порфирит ва порфирит-волластонитли замазқанинг фаза таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, гидратация жараёни юзада содир бўлиб, кальций фторид бирикмасининг, кальцийли силикатлар ҳамда агрессив муҳитни материал ичига киришига йўл қўймайдиган пленка кўринишдаги кремний кислотаси гелининг ҳосил бўлиши билан боради.

Ҳавода 240 соат давомида қотирилган порфирит композициясининг дериватограммаларида $150-180^\circ\text{C}$ да бирмунча хира эндоэффект кузатилади. Бу таъсир $150-160^\circ\text{C}$ да 720 соатга ўтади ва аниқроқ ифодаланади. Олиб борилаётган муҳитларида бу эндоэффектлар хиралашган ҳолда кўрилади.


Волластонитнинг қўшилиши эндоэффектни чуқурлаштиради, бу эса волластонит аморф чўкма ҳосил қилиб суяқ шишани коагуляциялайди.

Волластонитнинг киритилиши волластонитнинг аморф фазалар ҳосил қилиши билан суяқ шишани коагуляциялашидан келиб чиқадиган

эндоэффектни чуқурлаштиради. Ҳавода ҳам, тўйинган тузлар эритмасида ҳам сақланадиган порфирит–волластонит намуналарининг термограммаларида силикат кислота гелиининг сувсизланишига мос келадиган 150–200⁰С ҳароратда катта эндоэффект мавжуд. Ҳавода, худди шундай тўйинган тузли эритмада сақланган порфирит – волластонит намунасининг дериватограммасида 150–200⁰С да сувсиз кремний кислота гелига тегишли бўлган катта эндоэффект борлиги аниқланган.

Кристалланган шиша фонида тўйинган тузли муҳитида 240 соат давомида қотирилган порфирит–волластонит таркибининг электрон микроскопик кўринишлари кристалл бирикмалар орасидаги бўшлиқни тўлдирадиган гелсимон массанинг кўп миқдорида бўлишини кўрсатади. 720 соатга келиб гелсимон массада кристалли бирикмаларнинг турли шакллари кўринади, бу эса замазкага юқори кимёвий қаршилиққа эришиш имконини беради. Волластонитнинг киритилиши кўп миқдорда гелсимон масса ҳосил бўлишини янада тезлаштиради ва композициянинг мустаҳкамлигини оширади.

Гидролиз спирт ишлаб чиқариш муҳитида порфирит суюқ шиша композицияларини физик–кимёвий тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳаводаги ва сувдаги порфирит композицияларининг механик мустаҳкамлиги бирмунча кам (1-расм) ва шунга кўра мустаҳкамлик коэффициенти паст бўлиб, сувли муҳитда қотганда 540 кунга келиб унинг қиймати 0,43 га камади.




1-расм. Гидролиз спиртини ишлаб чиқариш муҳитида порфиритли ва порфирит-волластонитли композицияларнинг мустаҳкамлиги

Волластонит қўшиш билан барча муҳитларда механик мустаҳкамлик ва кимёвий барқарорлик ошиб боради (1-расм) ва 540 суткага етганида: ҳавода – 29,0 МПагача, сувда – 24,6 МПа, эритмада – 36,9 МПани ташкил этади. Сувга чидамлилиқ 85%, кимёвий барқарорлик 150%ни ташкил этади.

Модификацияланган порфирит таркибининг мустаҳкамлиги жараённинг ўз-ўзидан тўхташи билан бирга эримайдиган бирикмалар ҳосил бўлиши билан асосланади, ўз-ўзидан коррозия тезлиги пасаяди.

Волластонитнинг киритилиши агрессив муҳит таъсири натижасида материал юзасида ҳосил бўлган янги бирикмаларнинг бошқа маҳсулотлари билан биргаликда кальций ва кремнийгел гидросиликатларининг юзага келиш эҳтимолини кўрсатади. Порфирит-волластонит суюқ шиша композицияларининг қотишига суюқ шишанинг сувсизланиши ва суюқ шишанинг коагуляциясига сабаб бўладиган кальций таркибли силикатларнинг гидролизи сабаб бўлиб, кремний кислота гелининг чўкмага тушишини тезлаштиради.

Порфирит ва порфирит-волластонит композицияларининг рентген тасвирлари (2-расм) аморф-кристалл ҳолатдан материалнинг деярли тўлиқ аморф ҳолатига ўтишда намоён бўладиган структуравий ўзгаришларни кўрсатди.



2-расм. Сувли муҳитда 28 (а ва в) ва 360 (б ва г) кун давомида қотирилган порфиритли (а, б) ва порфирит-волластонитли композициянинг (в, г) дифрактограммаси (□-кварц, ■-CaF₂, ●-NaF, *-волластонит)


Сувли муҳитда ҳосил бўлган бирикмаларнинг дифракцион максимумлари фарқи аниқ кўринади. Кварц линиялари ва порфиритнинг бошқа компонентлар билан бирга NaF ($d = 0,423; 0,231$ нм) характерли ва камроқ кучли CaF₂ ($d = 0,193; 0,315$ нм) дифракцион максимумлари борлиги аниқланди. Қотиш вақтининг 1 йилга ортиши билан фаза таркиби деярли ўзгармайди, фақат кварц чизиқларининг интенсивлиги камаяди. Табиий волластонит томонидан композицияни ўзгартириш билан кўриниш бироз ўзгаради. Юқоридаги бирикмаларнинг дифракцион максимумларининг интенсивлиги камаяди. Дифракцион максимумлар ёйилган, бу композицияни ташкил этувчиларини аморф гидратация маҳсулотлари ҳосил бўлиши билан эриши ва ўзаро таъсирини кўрсатади.

Гидролиз спирти муҳитидаги порфирит композициясининг дифрактограммаси ҳам худди сувли муҳит сингари бўлади.

Қотишнинг дастлабки даврларида кристалл фазаларга хос бўлган юзалараро масофа янада кучайган, қотиш даври ортиши билан йўқолиб кетадиган Na₂SiF₆ ($d = 0,455; 0,307$ нм) чизиқлари кузатилади. 540 кунга

келиб рентгенограммага асосан NaF, CaF₂ чизиқлари билан ифодаланади ва ёйилиш кремний кислота гелиининг кўпайишини характерлайди.

3-расмда порфирит-волластонит таркибининг рентгенограммаси гидролиз спирт эритмаси воситасида NaF ва CaF₂ чизиқларининг интенсивлиги билан фарқ қилади, айниқса намуналарнинг 540 кунлик даври билан порфирит-волластонит таркибининг бир текис майда кристалли тузилишли эканлигидан далолат беради.



3-расм. Гидролиз спирти муҳитда 28 (а) ва 360 (б), 540(в) кун давомида қотирилган порфирит-волластонитли композициянинг дифрактограммаси (□-кварц, ○-альбит, ▲-Na₂SiF₆, ▼-CaSiF₆, ■-CaF₂, ●-NaF, *-волластонит)

Электрон-микроскопик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гидролиз спиртли муҳитда 28 кундан кейин порфирит композициясининг юзасида эгри-бугриликларнинг пайдо бўлганлиги кузатилди. Аста-секин эгри-бугриликлар бир - бири билан тўқнашиб, донатор-тангачаларга айланади. Бошланғич материалларнинг аста-секин эриши натижасида, гель ҳосил бўлиб, қатламлар орасидаги ғовакли майдон тўла бошлайди. Шиша фазали масса фонида суюқ шиша билан натрий кремний фториднинг контакт зоналари кузатилади.

Волластонитнинг киритилиши куб габитусга эга флюорит кристалларининг пайдо бўлишига ва турли шаклдаги кальций бирикмалари ва NaF кристалларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Кристалларнинг қатламлар орасидаги бўшлиқ суюқ шиша билан тўлади. Бу порфирит-волластонит таркибининг микроструктураси майда кристалл, зич ва мустаҳкам хоссаларга эга бўлганлигини билдиради.

Шундай қилиб, кислотобардош композицияларнинг олинган мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва кислота бардошлилиги порфирит асосидаги

композиция спиртли-ачитқилар ва гидролиз саноати агрессив муҳитида ишловчи технологик ускуналарни умрбоқийлигини оширишда қоплама сифатида ишлатиш мумкинлиги асослайди.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган антикоррозион силикат композицион материалларнинг таркибини ишлаб чиқиш ва тажриба синовлар ишларини олиб бориш ва уларнинг самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида суяқ шиша ва минерал тўлдирувчилар асосида антикоррозион порфиритли композицион материалларнинг оптимал таркиби келтирилган (%): порфирит – 62,73, натрий кремнийфториди – 4,36, суяқ шиша – 32,91; порфирит–волластонит таркиби эса (%): суяқ шиша – 29,3, порфирит – 55,87, волластонит – 10,98, натрий кремнийфториди – 3,88. Ишлаб чиқилган антикоррозион таркибни тайёрлаш усули берилган.

Ўзбекистоннинг кремнийтаркибли хом ашёси асосидаги суяқ шиша композицияларининг ишлаб чиқилган оптимал таркиблари ва уларни ишлаб чиқариш технологик режимлари “Наманганвино” МЧЖ нинг ишлаб чиқариш саноати шароитида синовдан ўтказилди.

“Наманганвино” МЧЖнинг ўсимлик хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш агрессив муҳити учун ишлатиладиган сигимни футеровка қилинган, таркиби: минерал кислоталар- 0,5 – 1,0%; ўсимлик кислоталари - 0-12%; Рb – 2-2,5%; фурфурол – 0,035-0,045%; бром бирикмалари – 13-15%; органик кислоталар – 0,3-0,7%, аппаратдаги температура 90,9-188⁰С атрофида.

Лаборатория шароитида қоғоз ишлаб чиқаришдаги целлюлозани қайнатиш қозонининг натрийли (1) ва аммонийли (2) агрессив муҳити яратилди, таркиби: 1 - Na₂O – 1%; SO₂-6,1%; 2- (NH₄)₂O – 1,03%; SO₂-8,2%. Тайёрланган намуналарнинг қотиш жараёни белгиланган талаб асосида ушбу муҳитда синовдан ўтказилди.

Синов натижалари шуни кўрсатдики, кислотабардош порфиритли замазкадан тайёрланган футировканинг мустаҳкамлиги завод шароитида ишлатиладиган андезит замазкага нисбатан 15-20% юқори эканлигини кўрсатди, юқори температурада ва агрессив муҳитда ишловчи тажриба футировканинг чоклари зич жойлашган бўлиб, замазканинг шаклланишида зич полимерланиш кетишини ва ўтказувчанликнинг камайиши билан тушунтирилади.

Амалга оширилган синовларнинг ижобий натижалари сульфит целлюлоза ва спирт-ачитқи саноати кислоталарини пиширишда агрессив муҳитларда ишлайдиган конструкциялар ва қурилмаларини химоялаш учун маҳаллий хом ашёлар асосидаги юқори сифатли суяқ-шиша композицияларини қоплашга тавсия этиш имконини берди.

“Наманганвино” МЧЖ шароитида қўлланилган таркибдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик 12539000 сўмни ташкил этди ва 10 тонна материал олинганда қутилган иқтисодий самарадорлик йилига 125390000 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Бекобод конининг порфиритларини комплекс тадқиқ қилиш асосида ачитқи ишлаб чиқариш тўйинтирувчи тузларининг эритмаларида, целлюлоза тайёрлашнинг агрессив муҳитларида ишлайдиган ускуналарни қоплаш учун ва гидролиз ишлаб чиқаришнинг агрессив муҳитларида коррозияга чидамли юқори мустахкам суёқ шишали композициялар ишлаб чиқилди.

2. Маҳаллий хом ашё асосида суёқ шишали композицияларнинг юқори самарали таркиблари ва уларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди, унинг ёрдамида агрессив муҳитда ишлайдиган ускуналарни химоялашда қоплама плиткалари остидаги қатламда ва плиткалар орасидаги тўлдирилган чокларда кислота сингмайдиган мембрана ҳосил бўлиши аниқланди.

3. Материалнинг структураси бузилмайдиган, зичроқ структуранинг шаклланишига олиб келувчи суёқ шиша силикат модулининг ортиши ҳисобига янада мустахкамланган ишқорий гидросиликатлар ҳосил қилиши аниқланди.

4. Порфирит асосидаги суёқ шишали композицияни кислотабардош материаллар учун ноанъанавий бўлган ўзига хос минералогик тузилишга эга табиий волластонит билан модификациялаш натижасида композициянинг сувга бардошлилиги юқори бўлишига эришилди ва кремний кислотаси гелнинг чўкиши содир бўлиши аниқланди.

5. Экспериментал тажрибаларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб, асосий физик -механик хоссаларини аниқлашга имкон берадиган регрессия тенгламаси олинди ва порфирит асосидаги кислотабардош композицияларнинг мустахкамлигини аниқлаш жараёни дастурий таъминот Турбо-Паскал тилида ишлаб чиқилган ва натижаларни назарий ҳисоблашда қўллашга тавсия этилди.

6. Гидратланиш жараёни сиртида содир бўладиган ва қаттиқлашиш суёқ фазанинг синерезиси натижасида ажралиб чиққан коллоид кремнеземининг коагуляцияси, гелнинг қуриши, сиқилиши ва зичлашиши ҳамда полисиликат кислоталар ва анизотроп фазовий структуранинг ҳосил бўлишига олиб келадиган поликонденсация жараёнлари натижасида юзага келиши аниқланди.

7. Анъанавий ишлатилган материал ўрнига ишлаб чиқилган янги суёқ шишали композициялардан фойдаланишда қоплашнинг самарадорлиги шимилишнинг камайиши, мустахкамлик ва коррозияга чидамлилигини ортиши ҳисобига эришилиб, кимё саноати корхоналари ускуналарини антикоррозион химоялаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.12.2019.К/Т.03.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИТАРНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
ТЕХНИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

МАДАМИНОВ БАХРОМ МИРОДИЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОСТАВОВ АНТИКОРРОЗИОННЫХ
КОМПОЗИЦИОННЫХ СИЛИКАТНЫХ МАТЕРИАЛОВ И
ПОЛУЧЕНИЕ ПОКРЫТИЙ ИЗ НИХ ДЛЯ ЗАЩИТЫ
ОБОРУДОВАНИЙ ХИМИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**02.00.07-Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых
материалов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/T2442.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gurft.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научные руководитель: Юлчиева Сурайё Бахромовна
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Эминов Ашраф Мамурович
доктор технических наук, профессор

Бабаханова Мухида Гулямовна
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «14» февраля 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03.30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyyot@mail.ru в здании «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером №31-21). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «31» января 2022 года.
(протокол реестра № 31-21 от 25 ноября 2021 г.).



С.С. Негматов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

А.М. Эминов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире проблема защиты оборудования, зданий и сооружений от вредного воздействия агрессивных химических сред является одной из основных проблем современной химической, металлургической, нефтехимической, электрохимической промышленности. Поэтому важно выявить причину коррозии металлических оборудования и механизмов, разработать методы получения новых композиционных материалов на основе производственных отходов, обладающих заранее заданными свойствами и создать покрытия на их основе, а также разработать и усовершенствовать технологию их получения.

В мировом масштабе проводятся научные исследования по получению покрытий с использованием антикоррозионных композиционных материалов и различных минеральных и органических материалов на их основе, определению факторов, влияющих на коррозионную стойкость оборудования и устройств химической промышленности, разработке и усовершенствованию эффективных методов создания антикоррозионных композиционных материалов и покрытий, на основе которых имеют хорошие адгезионно-прочностные свойства. В этом аспекте особое внимание уделяется созданию состава антикоррозионных композиционных силикатных материалов для покрытия рабочей поверхности оборудования, работающего в агрессивной среде, разработке методов замедления коррозионного процесса с помощью покрытий на основе антикоррозионных композиционных материалов, повышению адгезионной прочности создаваемых антикоррозионных композиционных материалов и покрытий на их основе, улучшению качества антикоррозионных композиционных материалов.

В республике предпринимается ряд мер и достигаются определенные результаты по отбору органических и минеральных ингредиентов, методов их извлечения и созданию технологий разработки на основе местного сырья и промышленных отходов, добавляемых в антикоррозионные покрытия, используемые для развития химической промышленности, работающих в условиях воздействия агрессивных сред. В программе Стратегических действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены важные задачи по «...стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения инновационных достижений в практику»². В этом аспекте разработка эффективных составов и технологии получения антикоррозионных машиностроительных композиционных полимерных материалов и покрытий на их основе представляет особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

Узбекистан от 20 октября 2018 г. №УП-841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития до 2030 г.», от 7 февраля 2017 года за №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и от 15 марта 2020 года № УП-6079 утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблем. По разработке антикоррозионных композиционных материалов внесли определенный вклад такие ученые, как Maruyasi Nakakori, Sakamoto Vosihumi, D. Israel, Y. Teoreanu, Puri Annemarie. А. Содахина, Р. Мураяма, М.И. Субботкин, М.А. Матвеев, В.И. Корнеев, В.Т. Батраков, С.В. Рагозина, В.И. Бабушкин, И.В. Белицкий, Н.С. Домбровская, Ю.С. Курицина, В.М. Москвин, И.А. Писаренко, Р.К. Кордонская, Ю.И. Нянушкин, С.С. Негматов, А.Т. Джалилов, М.Ж. Жуманиязов, К.С. Негматова, Ф.Х. Таджиев, Т.А. Атакузиев, З.А. Мухамедбаева, Д.К. Адылов, М.Г. Бабаханова и многие другие.

